

Ҳ У К М

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

2022 йил июнь ойинининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида.

Раислик қилувчи: Б.Мамажонов,

судья ёрдамчиси – А.Иргашевнинг котиблигида, давлат айбловчиси - Фарғона туман прокурорининг ёрдамчиси М.Эрматов, судланувчининг ҳимоячиси - адвокат О.Мелибоевнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 237-моддасининг 1-қисми билан Абдурахмонов Хусанбой Ўктамжоновични айблаш ҳақидаги 1-1502-2202/203-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Абдурахмонов Хусанбой Ўктамжонович, 1981 йил 6 январь куни Фарғона туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оила қурмаган, вақтинча ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани судининг 17.01.2022 йил куниги ажримига кўра, ЖКнинг 169-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши ЖК 66¹-моддасига асосан тугатилган, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, Фарғона тумани Миндон МФЙ Қўрғон кўчаси 8-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қулланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 18 май куни олган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Абдурахмонов, 2022 йилнинг 25 февраль куни соат 20:51 да маст бўлгани ҳолда, Фарғона вилояти ИИБнинг 102 рақамига кўнғироқ қилиб, операторга атайин ёлғон гапириб, Фарғона тумани, Дўстлик М.Ф.Й, Субхидам кўчаси 141-уйда танишлари И.Турдибоев ва бошқалар уриб кийимларни ечиб олишиб, ёнида бўлган пулларни олиб қўйганлиги ҳақида маълум қилиб, жиноят тўғрисида била туриб қасддан ёлғон хабар берган.

Судланувчи Х.Абдурахмонов судда, эълон қилинган айбловига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам, 2022 йил 25 февраль куни соат 20-00 ларда таниши И.Жўраев билан телефонлашиб, Фарғона тумани, Дўстлик М.Ф.Й, Субхидам кўчаси 141-хонадонига мехмондорчиликка боргани, у ерда



Мустақил, (Тошпўлат), Жўраев Ихтиёр, Шербек ва бошқалар билан дастурхон атрофида ўтирганлигини, шу куни ушбу хонадонда сумалак бўлаётганлигини, шу сабабли бу ерда аёллар ҳам бўлганлигини, шу тариқа, бу ерда вино ичганлигини, чўнтагида 60 минг сўм атрофида пули бўлганлиги, бироз ўтириб чиқиб кетишга ҳаракат қилиб турган вақтларида жан-жал бўлиб кетганлигини, шунда Ихтиёр, Шербек ва бошқалар келиб уришиб, ташлаганлигини Фарғона вилоят ИИБнинг 102 рақамига қўнғироқ қилиб, пуллари ва кийимларини босқинчилар олиб қўйишгани ҳақида нотўғри хабар бергани, аслида пули ва телефони чўнтагида қолгани, шу воқеа юзасидан ИИБ ходимлари келишгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ И.Жўраев судда, ҳақиқатдан ҳам, 2022 йил 25 февраль куни соат 18-10 ларда иш билан Чимён марказига чиқиб судланувчи Х.Абдурахмонов билан бирга Фарғона тумани, Дўстлик М.Ф.Й, Субхидам кўчаси 141-хонадонга (сумалакка) меҳмонга боришгани, у ерда Шербек, Ихтиёр ва бошқалар (аёллар) бўлганлигини, кейин бир дастурхон атрофида ўтириб, вино ва ароқ ичганлигини, сўнг у ерда И.Турдибоев билан Х.Абдурахмоновлар тортишиб уришиб кетганлигини, уларни ажратганлигини, жанжалга сабаб Х.Абдурахмонов оёқ кийими билан уйга киргани бўлганлигини, сўнг Х.Абдурахмонов Фарғона вилояти ИИБ "102" га хабар бергани, уни пули ва кийимларини ҳеч ким олмаганлигини кўрсатди.

Суд, судланувчи Х.Абдурахмоновнинг содир этган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳ И.Жўраевнинг дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувлари, хабарномалар (и.в.3-6), тушинтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Х.Абдурахмоновнинг жиноий ҳаракалари Ўзбекистон Республикаси ЖК 237-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилган деб ҳисоблайди.

Чунки у 2022 йилнинг 25 феврал куни соат 20.51 да маст бўлгани ҳолда, Фарғона вилояти ИИБнинг 102 рақамига қўнғироқ қилиб, операторга атайин ёлғон гапириб, Фарғона тумани, Дўстлик М.Ф.Й, Субхидам кўчаси 141-уйда танишлари И.Турдибоев ва бошқалар уриб кийимларни ечиб олишиб, ёнида бўлган пулларни олиб қўйганлиги ҳақида маълум қилиб, жиноят тўғрисида била туриб қасддан ёлғон хабар берган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги Қарорининг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак"лиги ҳақида тушунтириш берилган.



Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Х.Абдурахмоновга нисбатан жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ушбу жиноятни паст ниятда содир этганлиги, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида унинг айбига тўлиқ иқдорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини, муқаддам судланмаганлигини эътиборга олиб, қонун санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 13, 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосланиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Абдурахмонов Хусанбой Ўктамжонович Ўзбекистон Республикаси ЖК 237-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Абдурахмонов Хусанбой Ўктамжоновичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 237-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида, яъни 13.500.000 (ўн уч миллион без юз минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Абдурахмонов Хусанбой Ўктамжоновичга нисбатан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кунидан бошлаб шу муддат ичида Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериш ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

Б.Мамажонов

нусхаси аслига тўғри

